

Инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури Қўлланмаси

Ўзбекистондаги Япония Элчихонаси

1. Дастур тўғрисида

Ривожланиш учун расмий ёрдам доирасида Япония хукумати ривожланаётган мамлакатларнинг турли эҳтиёжларига жавоб берадиган кўплаб дастурларни амалга ошироқда. “Инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам” дастури (кейинги ўринларда Дастур) 1995 йилда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-куватлаш мақсадида йўлга қўйилган.

1995 йилдан бошлаб ушбу Дастур доирасида Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа нотижорат ташкилотлар томонидан умумий миқдори 22 247 926 АҚШ долларлик 341 лойиҳа амалга оширилди.

Дастурнинг мақсади аҳолининг оддий қатламларини бирламчи эҳтиёжларини (basic human needs) ва инсон хавфсизлигини (human security) таъминлаш орқали уларга бевосита ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистондаги Япония элчихонаси (кейинги ўринларда Элчихона) Дастурда иштирок этиш учун йил давомида аризаларни қабул қиласи. Даъвогар ташкилотлар олдин ушбу қўлланмани синчиковлик билан ўрганиб чиқиб, сўнгра барча керакли бўлган хужжатларни Элчихонага тақдим этишлари мумкин. Ариза шаклини Элчихонадан ёки Элчихонанинг расмий вебсайтидан юклаб олишингиз мумкин:

<http://www.uz.emb-japan.go.jp/cooperation/grants/social/>

2. Даъвогар ташкилотлар

Япония элчихонаси аризаларни қўйидаги ташкилотлардан қабул қиласи:

- (1) Тиббиёт муассасалари (касалхоналар, реабилитация марказлари, ва ҳоказо)
- (2) Таълим муассасалари (ўрта мактаблар, имонияти чекланган болалар учун маҳсус мактаб-интернатлар ва боғчалар)
- (3) Маҳаллий ҳокимият органлари (шаҳар, туман ёки вилоят ҳокимиятлари)
- (4) Маҳаллий ва ҳалқаро ННТлар (фуқаролигидан қатъий назар)

Эслатма: Дастурда иштирок этиш учун ариза топширмоқчи бўлган ташкилотлар учун асосий талаблардан бири бу уша ташкилот нотижорат ташкилоти бўлиши кераклиги, яъни ўз фаолиятидан фойда олиш даъвогар тақшилотнинг асосий мақсади бўлиши мумкин эмас.

3. Маъқул лойиҳалар

Япония хукумати 2006 йилда Ўзбекистон Республикасига ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқсан. Ушбу дастурга биноан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш учун бир нечта устувор йўналишлар белгиланган, шу жумладан соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, кам таъминланганлик масалалари ва бошқа йўналишлар. Ушбу хисбот ҳақида қўшимча маълумот олиш учун, илтимос Япония Ташки ишлар вазирлиги веб-саҳифасига ташриф буюринг:

<http://www.mofa.go.jp/policy/oda/assistance/>

Қўйидаги соҳалар ва лойиҳалар мисоллари Дастур доирасида маъқул лойиҳалар деб топилиши мумкин:

Соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш

- Шифохоналар, реабилитация марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа тиббиёт муассасаларига замонавий тиббиёт ускуналарини етказиб бериш орқали жойларда тиббий хизмат сифатини яхшилаш;

Таълим сифатини яхшилаш

- Ўрта таълим мактаблари, имконияти чекланган болалар учун маҳсус мактаб-интернатлар ва болалар боғчаларига мебель, асосий техника ва ускуналарни етказиб бериш орқали жойларда кўрсатилаётган бошланғич ва ўрта таълим сифатини ошириш;

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш

- Замонавий қишлоқ хўжалик техника/ускуналарни сотиб олиш орқали қишлоқ хўжалик ерларинининг холатини яхшилаш;

Кам таъминлангаликни камайтириш

- Қўшимча иш ўринларини яратиш орқали кам таъминланган аҳоли қатламалари, шу жумладан ишсиз аёллар, ёшлар, имконияти чекланган инсонлар ва бошқаларни актив меҳнат фаолиятига жалб қилиш.

4. Маъқул бўлмаган лойиҳалар

Қўйидаги лойиҳалар ушбу Дастур доирасида маъқул бўлмаган лойиҳалар деб топилган:

- (1) Маданият, спорт ва санъат соҳалари билан боғлиқ лойиҳалар (батафсил маълумот: Маданият йўналиши бўйича беғараз ёрдам);
- (2) Бизнес ва тижорат фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳалар;
- (3) Диний, ҳарбий ва сиёсий фаолиятга оид лойиҳалар;
- (4) Илмий тадқиқотларларни ва олий таълимни қўллаб-кувватлаш лойиҳалари;
- (5) Ўйин майдончалари ва парклар қурилиши;
- (6) Тижорат мақсадларида болалар учун ўйинчоқлар, спорт тренажерлари сотиб олиш;
- (7) Китоб маҳсулотларини нашр этиш/сотиб олиш;
- (8) Енгил автомашиналар сотиб олиш.

5. Грант миқдори

Битта лойиха учун ажратиладиган грант миқдори 10 миллион йендан, яъни таҳминан 100.000 АҚШ долларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (жорий молия йилидаги доллар курсига боғлиқ равишда грант миқдори ўзгариши мумкин).

6. Грант орқали қопланадиган харажатлар

Лойиҳаларни амалга ошишир учун зарур бўлган харажатлар, шу жумладан техника/ускуналарни сотиб олиш ва таъмиrlаш ишлари харажатларини грант маблағлари орқали қоплаш мумкин.

Кўйидаги харажатлар грант орқали **ҚОПЛАНМАЙДИГАН** харажатлар деб хисобланади:

- (1) Маъмурий харажатлар (ходимларнинг иш ҳақи, траспорт харажатлари ва кундалик харажатлар);
- (2) Давлат даромадлари/солиқлар (ҚҚС, божхона йигимлари, рўйхатга олиш ва ҳ.к.);
- (3) Банк йигимлари;
- (4) Ер майдонини сотиб олиш, уй ёкиофис учун ижара тўлови;
- (5) Даромад олиш мақсадида ускуналарни ёки бошқа техникани ижарага олиш;
- (6) Аризачи-ташкilotнингофиси учун ускуна (нусха кўчириш техникаси, хусусий компьютер, принтер, факс, уяли телефон, фотоаппарат, видеокамера ва ҳ.к.);
- (7) Аризачи-ташкилот учун офис биноси қурилиши;
- (8) Автомобиллар учун ёнилғи ва/ёки газ;
- (9) Буюмлар ва ускуналар учун эксплуатация харажатлари, шунингдек эҳтиёт қисмлар хариди учун харажатлар;
- (10) Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва кийим-кечак сотиб олиш;
- (11) Стипендиялар;
- (12) Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳаларни илмий асослаш;
- (13) Семинарлар, симпозимумлар, мусобақалар, компьютер, тил ва бошқа турдаги синовлар;
- (14) Хайвонларни боқиб кўпайтириш ва ҳ.к..

7. Аризани тақдим этиш

Агар Сизнинг ташкilotингиз юқорида зикр этилан шартларга мос келса, ва Сиз ўз кичик миқёсли лойиҳангизни амалга ошириш учун грант олишни истасангиз, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасига ариза беришингиз лозим. Ариза шаклини Элчихонадан ёки Элчихонанинг расмий веб-саҳифасидан компьютерингизга юклаб олишингиз мумкин:

<http://www.uz.emb-japan.go.jp/cooperation/grants/social/>

Аризага қуийдаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

- Лойиҳа обьекти жойлашган ернинг харита-чизмаси.** Оддий қалам ва чизифидан фодаланиб, ҳамма биладиган обьектдан (масалан, катта кўча ёки ҳаммага маълум бино ва ҳ.к.) Сиз жойлашган ергача бориш учун мўлжал хартиасини чизинг. Таҳминий масофани километрларда кўрсатинг.
- Лойиҳа обьекти хоналарининг умумий чизмаси.** Агар у кўпқаватли бино бўлса, стандарт қоғоз варағига бинонинг умумий кўринишини чизинг ва ҳар бир қаватни алоҳида кўрсатинг. Масалан, уч қаватли бинонинг чизмаси 4 варақдан ташкил топади: биринчи варақ - умумий тарҳ(план), қолган уч варақ қаватлар бўйича. Чизмада сўралаётган ускуна ўрнатилиши режалаштирилаётган хонани ёки жойни албатта кўрсатинг.
- Хоналар фотосурати**, бунда фақат лойиҳа амалга оширилиши учун ажратилаётган хоналар кўрсатилади, шунингдек мавжуд ускуналарнинг фотосуратлари илова қилинади. Орқасига фотосуратда нима акс эттирилганини ёзиб қўйинг.
- Сметалар ёки тижорат таклифлари** (прайс варақалар эмас!) сўралаётган ускуна ёки таъмирлаш ишлари учун камида учта ҳар хил етказиб берувчи ташкилот томонидан тузилади ва Сизнинг лойиҳангизга оид зарур буюмлар/хизматларнинг спецификациялари илова қилинади. Нарҳлар жорий молия йили* охиригача амалда қоладиган бўлиши ва Буюртмачигача етказиб бериш харажатларини ўз ичига олиши шарт.
* Японияда молия йили 1 апрелдан 31 марта гача.
- Лойиҳанинг батафсил бюджети.** Унда сўралаётган ускунанинг номи, миқдори ва таҳминий қиймати кўрсатилади.
- Ҳар бир сўралаётган ускунанинг **зарурлиги ва мақсади асослангалиги** (қандай мақсадларда ва қанчалик тифизликда ишлатилади, қаерга жойлаштирилади, ундан фойдаланишдан қандай фойда олинади ва ҳ.к. Ускунани/техникани олишдан қандай натижалар кутилаётганини баён этинг.
- Тасдиқланган харажатлар сметаси** - ташкилотнинг ўтган икки йиллик даромадларини ва харажатларини кўрсатган ҳолда.
- Аудит ўтказиш юзасидан тижорат таклифлари** учта турли аудит фирмаларидан олинади ва уларнинг сертификатлари нусхаси илова қилинади. Ушбу банд ННТ лар учун ва таъмирлаш тиклаш, сув тозалаш, газ таъминоти тизимларини ўрнатиш ишларига сўровнома берган ташкилотлар учун мажбурийдир.
- Аризачи-ташкилот раҳбари **паспортининг нусхаси**.
- Фақат ННТ учун - Устав нусхаси** ва ташкилот рўйхатдан ўтказилганини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, шунингдек ижара шартномасининг ёки бинога эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Аризанинг барча бандлари тўлдирилганлигини ва барча зарур ҳужжатлар илова қилинганинги албатта текширинг. Аризачи ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ариза ва бошқа барча илова ҳужжатлар **тўғридан тўғри** Элчихонадаги Дастур коориданторларига топширилиши ёки почта орқали Элчихона манзилига жўнатилиши шарт.

Эътибор беринг, Элчихона факс ёки электрон почта орқали жўнатилган аризаларни ва илова ҳужжатларни қабул қилмайди. Шунингдек қабул қилинган аризалар ва илова ҳужжатлар аризачи ташкилотга қайтарилмайди.

8. Танлаш мезонлари

- (1) Аризачи ташкилот аризада келтирилган лойиҳани оқилона бошқара олиш салоҳиятига эга эканлигига Элчихонани ишонтириши зарур. Демак, аризада аризачи ташкилот ютуқларининг батафсил баёни, шунингдек молиявий бошқариш, ижрочилик салоҳияти ва монтиоринг тизими имкониятлари ва ҳ.к. ишчи ходимлар рўйхати ва уларнинг мажбуриятлари билан бир қаторда кўрсатилиши шарт.
- (2) Аризачи ташкилот таклиф этилаётган лойиҳа қай тарзда амалга оширилишини тафсилотлари билан баён этиши лозим. Лойиҳанинг тугал ифодасини уни кўллаш соҳаси билан кўрсатиб бериши даркор. Лойиҳа Грант шартномани имзоланганидан кейин 12 ой ичидаги тутатилиши зарур.
- (3) Юқорида эслатилганидек, Япония хукумати маъмурий харажатларни, соликларни ва давлат божларини, ускуналарга техник хизмат кўрсатилишини қоплаш учун грант тақдим этмайди. Шундай экан, аризачи ташкилот Элчихонага ана шу харажатларни қоплаш учун етарли маблағларга эга эканлиги исботини тақдим этиши керак.
- (4) Грант маблағлари оддий япон солик тўловчиларининг пул маблағлари ҳисобидан келиб тушиши сабабли, Элчихона аввало лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини, таклиф этилаётган лойиҳанинг замонавийлиги ва мақсадга мувофиқлигини юқори баҳолайди. Шу сабабли аризачи ташкилотдан учта турли етказиб берувчининг буюмлари/хизматларига оид таклифларни тақдим этишлари, шунингдек, холис аудит ўтказилишини (давлат муассасаларидан ташқари) талаб қилинади.
- (5) Аризачи ташкилот лойиҳа нима учун зарурлигини ва шу кун талабига мос эканлигини, келгусида жамият тараққиётига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ва ўз манфаатлари ким эканлигини изоҳлаб бериши шарт. Лойиҳадан кутилаётган натижалар: уни амалга оширилгунча аҳвол қандайлиги ва кейин қандай тус олишини кўргазмали тарзда (масалан, жадвал ёки чизма шаклида) тасвирлаб берилиши лозим.

9. Лойиҳанинг тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби

Япония хукуматига ёрдам кўрсатиш имкониятидан ортиқ даражада жуда кўп миқдордаги аризалар келиб тушади. Шу сабабли грантлар узоқ вақт ўрганишлардан ва ҳар бир лойиҳа таклифи баҳолангандан кейин фақат энг мақбул лойиҳаларга тақдим этилади. Шунингдек, Элчихона вакили режалаштирилаётган лойиҳа амалга ошириладиган жойга ташриф буюриши ҳам мумкин.

Ариза ва қўшимча ҳужжатлар Япония Элчихонасига келиб тушганидан кейин, уларни кўриб чиқиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Аризани тақдим этиш

Даъвогар ташкилот тартиб билан тўлдирилган аризани зарур ҳужжатлар билан берига Элчихонага топширади. Илтимос, асл нусхадаги аризанинг нусхасини ўзингиз билан сақлаб қўйишни унутманг.

Ҳужжатларни топширишнинг охирги муддати белгиланмаган, яъни ҳужжатлар ҳар бир иш куни ва иш соатида қабул қилинаверади.

2. Лойиҳанинг кўриб чиқилиши

Ариза келиб тушгандан кейин лойиҳа Элчихонада кўриб чиқилади ва унинг натижасига кўра ушбу лойиҳа таклифи Дастур сиёсатига мос келиш-келмаслиги аниқланади. Кўриб чиқиш жараёнида аризачи ташкилотга лойиҳа тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш мақсадида саволлар берилиши мумкин.

Бир йил давомида тасдиқланиши мумкин бўлган лойиҳаларнинг сони чекланган, шу боис Элчихона танлов вақтида муайян мезонларга асосланади (таклиф этилган лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодий самарадорлиги, лойиҳанинг амалга ошириш имконияти мавжудлиги ва зарурлиги). Кўриб чиқиш жараёни, аризачи ташкилотнинг Элчихонанинг сўровларига асосан қўшимча маълумот ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этишига боғлиқ равишда бир неча ойдан икки йилгacha вақтни олади. Аризачи ташкилот билан мулоқотга киришар экан, Элчихона ушбу ташкилот ўзи таклиф этаётган лойиҳани амалга ошириш учун қанчалик етарли ваколатга эга эканлигини ва келгусида лойиҳани қувватлай олиш салоҳиятини баҳолайди. Шу сабабли, аризачи ташкилот Элчихонанинг сўровларига ўз вақтида жавоб бериши ҳамда сўралаётган ахборотни зудлик билан тақдим этиши мухим аҳамиятга эга.

3. Лойиҳани амалга ошириш жойига ташриф

Зарур топилган ҳолда, Элчихонанинг вакили танланган лойиҳани амалга ошириш жойни вазият ва шароитларни аниқлаш учун бориб кўради.

4. Лойиҳанинг тасдиқланиши

Лойиҳани кўриб чиқиш натижалари чиқарилганидан кейин Элчихона уни якуний кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Япония Ташқи Ишлар Вазирлигига (Токио ш.) юборади. Агар аризачи ташкилот ҳужжатларни топширгандан кейин Элчихонадан икки йил давомида ҳеч қандай хабарнома олмаса, демак ташкилотнинг лойиҳаси танловдан ўтмаган. Хоҳишига қараб, аризачи ташкилот ўз аризасини янгилаб, Элчихонага қайтадан кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин.

Лойиҳа таклифи Элчихона ҳамда Япония ТИВ томонидан маъқулланганидан кейин, Элчихона аризачи ташкилотга қабул қилинган қарор тўғрисида хабар беради ва грант шартномани имзолаш маросими ўтказиладиган санани белгилайди.

5. Грант шартномани (G/C) имзолаш

Япония Элчихонаси билан аризачи ташкилот беғараз ёрдам тақдим этилиши тўғрисида шартномани имзолайдилар. Шартномада лойиҳанинг номи, мақсадлари ва тафсилотлари, аризачи ташкилотнинг номи, маблағларни ишлатиш мақбуллиги тўғрисидаги банд ва шунингдек ажратилаётган маблағларнинг аниқ белгиланган максимал суммаси кўрсатилади.

Одатда G/C имзолаш маросими Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония марказида (Халқаро Бизнес Маркази, Амир Темур кўчаси, 107B) ўтказилади.

6. Пул маблағларининг тўланиши

Грант олувчи ташкилот тегишли етказиб берувчилар билан буюмлар ва хизматларни харид қилиш тўғрисида шартномаларни тузиши зарур. Шартномалар Япония Элчихонаси томонидан нархларнинг ва бюджетнинг мақбуллиги нуқтаи назаридан синчиклаб ўрганиб чиқилади. Нархлар маъқулланганидан ва грант олувчи ташкилотнинг маблағни тўлаш тўғрисидаги аризаси олингандан кейин, Элчихона пул маблағларини ажратиб беради.

7. Лойиҳанинг амалга оширилиши

Бегараз ёрдамдан лозим тарзда ва фақатгина тасдиқланган лойиҳани амалга ошириш учун зарур буюмлар ва хизматларни сотиб олиш учун фойдаланилиши керак. Агар Ёрдам пуллари ажратилган бўлса, лойиҳани амалга ошириш ҳам ўз вактида, келишилган жадвал асосида бошланиши даркор.

8. Аудит (бюджет ташкилотларидан ташқари ва фақат зарурат түғилганда)

Грант олувчи ташкилот грант маблағларидан фойдаланиш ва лойиҳани амалга ошириш юзасидан холис аудит ўтказиши шарт. Аудит текшируви икки босқичда амалга оширилади:

- (1) Оралиқ аудит текшируви - ҳисоботни Элчихонага лойиҳа амалга ошира бошланиши биланоқ тақдим этиш керак;
- (2) Якуний аудит текшируви - тўлиқ молиявий ҳисбот барча зарур расмий қайдномалар билан бирга Элчихонага Грант шартномани имзоланган санадан 12 ойдан кечиктирмай тақдим этилиши шарт.

Аудит ўтказиш харажатлари Дастурнинг грант маблағлари ҳисобидан қопланади.

9. Ҳисоботлар

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида грант олувчи ташкилот Элчихонага “Оралиқ ҳисбот” (Interim Report) топшириши зарур, уни Грант шартномаи бўйича буюмлар/хизматлар олинганидан кейин дарҳол тақдим этилади.

Лойиҳа якунига етгач, грант олувчи ташкилот “Лойиҳанинг якунланиши тўғрисидаги ҳисбот”ни (Project Completion Report) топширади, унда лойиҳани амалга ошириш жараёни, грант маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида тўлиқ ахборот бериб, шунингдек фотосуратлар илова қилиниши шарт.

Барча ҳисботларнинг тегишли шакллари Элчихона томонидан тақдим этилади.


10. Мониторинг

Одатда, Элчихона тасдиқланган лойиҳа мониторингини уни амалга ошириш жараёнида ёки тугаллангандан кейин олиб боради, бунда унинг барқарорлиги, бенефициарларга таъсири ўрганиб чиқилади.

Грант олувчи ташкилот Элчихона билан узлуксиз алоқа боғлаб туриши лозим.

ЖУДА МУХИМ: Агар Элчихона Дастурнинг грант маблағлари ёки унинг қисми лойиҳанинг мақсадларига мувофиқ **ИШЛАТИЛМАГАН** деб ҳисобласа, аризачи ташкилотга грантнинг пул маблағларини Элчихонага тўла қайтарилишини талаб қилинади.

Лойиҳанинг тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби



10. Боғланиш учун маълумот

Илтимос, аризангизни ва барча илова ҳужжатларни Япония Элчихонасининг кичик грантлар дастурининг координаторларига тақдим қилинг ёки қуидаги манзилга почта орқали жўнатинг:

Манзилимиз:
100047 Тошкент ш.
Хамза тумани
Содик Азимов кўч., 1/28
Ўзбекистон Республикасидаги Япония элчихонаси
Кичик грантлар дастури

Қушимча маълумот учун Элчихонанинг кичик грантлар дастурининг координаторлари билан боғланиш мумкин.

Телефон: (+998 71) 120-80-60 / 61 / 62 / 63
Факс: (+998 71) 120-80-75
Эл.почта: grant@ts.mofa.go.jp